



Муайенбердиева Р

# O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№5 . 2012



9 май –  
Хотира ва  
қадрлаш кунни



# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

(«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,  
илмий-оммабон  
журнал

## МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги  
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир  
ДОЛИЕВ

Тахрир ҳайъати:

Зафар РЎЗИЕВ

Шерали НУРМАТОВ

Ҳамрой РАЗЗОҚОВ

Муҳаммадосуф ТЕШАБОЕВ

Баҳодир АБДУҚОДИРОВ

Саидкул АРАБОВ

Фарҳод ОМООНОВ

Эркин ҚУДРАТОВ

Шамсиддин ЭСОНБОЕВ

2012 йил,  
№5 май

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:  
якка обуначилар учун — 894  
ташкilotлар учун — 895

## МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Инсоннинг ёди ва қадри улф .....	1
Ўза парваришидаги долзарб агротехник тадбирлар .....	2
Ш.ХЎЖАЕВ, А.САЪДУЛЛАЕВ, Ж.ПЎЛАТОВ. Ўза ниҳоллари ҳимоясида долзарб вазибалар .....	4
Ш.ҚЎЧҚОРОВ, С.МАМАТОВ. Сувдан оқилна фойдаланиш юқори ҳосил етиштиришининг асосидир .....	5
Х.МАҲМУДОВ, Р.СИДДИҚОВ. Фалла парваришидаги муҳим тадбирлар .....	7
З.ПЎЛАТОВ, Б.ХУДОЙҚУЛОВ, З.БЕКЧАНОВ, А.УРАЗБАЕВ. Фалла ҳимоясидаги масъулиятли давр .....	8
М.ТОШБОЛТАЕВ, К.АСТОНАҚУЛОВ, О.ОЧИЛДИЕВ, Ш. АЗИЗОВ. Ҳосилни ўриб-йиғиб олишда комбайнлардан унумли фойдаланиш .....	9
И.ҲАМРОЕВ. Чигирткасимонлар офатини бартараф қилиш .....	10
И.АНАРБАЕВ, М.САТТАРОВ. Соя — сердаромад экин .....	11
Б.АЗИМОВ, Б.НАЖИМОВ. Сабзавоткорларнинг юмушлари .....	13
Р.АБДУЛЛАЕВ, А.АРИПОВ. Май — боғ ва тоқзорлар ҳосили шаклланадиган ой .....	14
Б.МАМАРАХИМОВ, Ш.ҚЎЗИБОЕВ. Элита уруғчилик ишларини олиб бориш услублари .....	15
А.РАББИМОВ. Яйловлардан оқилна ва унумли фойдаланиш .....	16
Д.ХАЛМАТОВ, Н.ҚАҲҚОРОВ. Ипак қуртлари парвариши — мўл ва сифатли ҳосил гарови .....	18
И.ЭШМАТОВ. Наслчилик ишларини яхшилаш — муваффақият омили .....	19
О.НОРБЕКОВ. Юксак марралар пойдевори .....	20
П.ГАДОЕВ. Сув — ҳаётимиз асоси .....	21
Б.ТОШНАЗАРОВ. Қорақўлчиликнинг нурафшон йўллари .....	22
Х.КАРИМОВ. Муносиб ҳисса бўлади .....	24
К.ЭРГАШЕВ. Фурқатлик илғор фермер .....	25
С.БОБОЕВ. Ўза селекцияси учун бошланғич ашёлар яратишда турлараро дурагайлардан фойдаланиш .....	26
Ҳ.НЕЪМАТОВ, Р.ҲАЙИТОВ, О.ОМООНОВ, Д.ТЎРАЕВ. Фалла ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш .....	27
Ш.ДОНАЕВ. Бугдой уруғини экиш чуқурлиги ва ҳосилдорлик .....	28
А.АБДУЛЛАЕВ, М.ЭРГАШЕВ. Навларга хос экиш муддатлари .....	29
Т.ОСТОНАҚУЛОВ, Ш.АБДУЛЛАЕВА. Уруғлик картошка имкониятлари .....	30
Р.ҲАКИМОВ, М.ХАЛИМОВА. Қовуннинг ун шудринг касаллигига чидамли навлари .....	31
М.МИРЗАЕВ, Р.РИЗАЕВ, М.ОДИНАЕВ. Тоғ ва тоғ олди минтақаларда узумчилик .....	32
С.ДУСМАНОВ, Т.ИСОМИДДИНОВ, М.САГДАТОВА. Махсар зараркунанда ва касалликлари .....	33
Қ.ЖЎРАЕВ. Кунжут — серхосият экин .....	34
А.АЗИЗОВ, Н.МИРОВ. Аччиқ қалампирнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти .....	34
И.МАҲМУДОВ, У.САДИЕВ, А.ҚУРБОНОВ, Р.ҚАРШИЕВ. Контррезервуарли томчилатиб суғориш технологияси .....	35
И.ХОЛМИРЗАЕВ. Влияние экономических реформ на развитие аграрного сектора .....	36
М.БОЙДАДАЕВ. Сабзавот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш омили .....	37
Н.ЮЛДАШЕВ. Сув хўжалигида ҳисоб сийёсатини шакллантириш муаммолари .....	38
А.АБДУҒАНИЕВ. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш .....	39
Ш.АКМАЛХОНОВ, А.ЖУМАНОВ, О.СОАТОВ. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида техник регламентлар — жаҳон бозорига чиқишининг муҳим омили .....	40
✓ Р.АДИЛЧАЕВ, М.АБИШОВ, К.АДИЛЧАЕВ. Иқтисодий ислохотларни такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти .....	41
Ш.ЭРГАШЕВА. Сув хўжалиги тизимида маржинал таҳлил асослари .....	43
С.ҚОРАЕВ. Аграр соҳа салоҳиятини баҳолаш .....	44
Ибратли ҳаёт йўли .....	45
М.АЛЛАЯРОВ, Э.АХМЕДОВ. Буйрак хасталиклари давоси .....	46
И.МАССИНО, Р.ТИЛЛАЕВ. Устозларга садоқатли устоз .....	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида 2007 йил  
11 январда 0158-рақам билан  
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: Тошкент, 128,  
Кохота кўчаси, 75-уй.  
Телефон: 240-57-10.  
Факс: 240-57-17.

E-mail: qxjournal@agro.uz

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2012 йил  
21 апрель. Босишга руҳсат этилди:  
2012 йил 23 апрель. Қоғоз бичими  
60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига  
чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2.  
Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №17.  
Нусхаси 4400 донна.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа  
бўлимида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 1<sup>а</sup>-уй.

Навбатчи муҳаррир: О.НОРБЕКОВ,  
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА

дий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2011 йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида амалга оширилиши белгиланган вазифаларида Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб бериш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

Тадқиқотнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида сут ва сут маҳсулотларининг инсонлар ҳаёти хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солидиган “Сут ва сут маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентни ишлаб чиқишдан иборат.

Умумий техник регламент қуйидаги мақсадларга эришишни таъминлайди:

1. Касалланиш хавф-хатарини олдини олиш ҳисобига аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлиқни сақлашга йўналтирилган харажатларни камайтириш;

2. Бизнесда хавф-хатарни камайтириш ҳисобига жамиятнинг маҳсулотга ва ишлаб чиқарувчига бўлган ишончини ҳамда давлат ва истеъмолчилар ишончини ошириш;

3. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари барқарорлигини таъминлаш ва маҳсулот хавфсизлигини тизимли ёндашишни шакллантириш ҳисобига ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқариш жараёнини ўзи назорат қилиши ва уни исботлаб бериш имкониятини яратиш, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, маҳсулот, иш ва хизматлар хавфсизлигини назорат қилишни

осонлаштириш, бозор имкониятларини ошириш ва давлатлараро савдо-сотиқда техник тўсиқларни бар-тараф этиш.

Кундалик эҳтиёжда сут ва сут маҳсулотлари асосан фарзандларимиз томонидан доимий истеъмол қилинганлиги сабабли, умуман инсонлар соғлиғини сақлашда ушбу маҳсулотларнинг хавфсизлик талабларини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади ва хавфсизлик кўрсаткичларини белгилаш кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

**Ш. АКМАЛХОНОВ,**

қ.ф.д. академик (ЎзЧИТИ)

**А. ЖУМАНОВ,**

Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази директори,

**О. СОАТОВ,**

Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази бош консультанти

## Иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти

Бугунги кунда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёс.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда, иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини ошириш мавжуд табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга асосланади. Буларга эришиш учун Қорақалпоғистон Республикасида бозор муносабатлари ўзгаришларига тез мослашадиган ва жойлардаги фаолият юритаётган иқтисодий субъектларнинг технологик жараёнларини қайта жиҳозлантириш фаолиятларини жадал амалга ошира-

диган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш талаб қилинади. Ҳозирги вақтларда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти асосан қишлоқ хўжалиги билан пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларидан ташқари тармоқларда анча қолоқ ҳолда эканлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси баъзи тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини Ўзбекистон Республикасидаги худди шу ҳолат билан таққослаган ҳолда ўрганадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳасида 2000 йилда 36,8 фоиз улушга эга бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич бўйича 54,8 фоизга тенг бўлган, саноат соҳасида эса тегишли ҳолда 2000 йилда 11,3 фоиз, 2010 йилда 14,1 фоизга тенг (1-диаграмма).

Ушбу кўрсаткичларнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳолати қурилиш соҳасида 2000 йилда 29,2 фоиз улушга эга бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич бўйича 60,6, 2010 йилда эса 64,9 фоизга тенг бўлган, саноат соҳасида эса тегишли ҳолда 2005 йилда 10,2 фоиз, 2010 йилда 23 фоизга, савдо соҳасида тегишли ҳолда 2000 йилда 46,3, 2005 йилда 35,2, 2010 йилда 45,2 фоизга тенг бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Булардан ташқари қишлоқ хўжалиги соҳасида 2000 йилда 69,3, 2005 йилда 88,0 2010 йилда 95,1 фоизга, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси минтақасида пуллик хизматда 2000 йилда 29,6, 2005 йилда 37,9, 2010 йилда 53,3 фоизга ўзгаришини кўришимиз мумкин (2-диаграмма).

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштиришдаги ўзгаришлар ва янгиликлар натижасида юзага чиқади, лекин бу ҳолат




1-диаграмма. Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни, %

Ўзбекистон Республикасининг бошқа айрим минтақаларига нисбатан анча даражада паст эканлиги ҳали сезилмоқда. Бугунги кунга келиб, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича республикамиз туманларидаги фермерлар томонидан тайёрланган маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослашган кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва уларни давлат томонидан ва маҳаллий ҳокимият идоралари орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида самарали ютуқларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида мамлакат миқёсида бир қанча чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганликлари натижасида, унинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 52 фоиздан ортаганлигини таъкидлашимиз зарур. Бу соҳада банд бўлган ходимлар пул даромадларининг 70 фоиздан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳисобига таъминланмоқда. Ушбу соҳа корхоналарининг маҳсулот экспортидаги улуши ҳам ўсиб бориши кузатилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси давлат томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Кредитлаш ҳажми оширилмоқда. 2009 йилда республикамиз саноати тармоқларида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси субъектлари, хусусан кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши билан улар ихтиёрида 1,07 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар қолдирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар 2010 йилда изчил давом эттирилди. 2009 йилда кичик бизнес ва хусу-




2-диаграмма. Қорақалпоғистондаги иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни, %

сий тадбиркорлик соҳаси корхоналарининг саноат тармоғида фаолият юритаётганликлари учун ягона солиқ ставкаси 7 фоизга туширилган бўлса, 2010 йилдан бошлаб ушбу 7 фоизлик ягона солиқ ставкаси барча кичик бизнес корхоналарига жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши, шунингдек, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллик байрамига бағишланган маросимда сўзлаган баёнотида 2012 йил январидан юқоридаги солиқ ставкасининг 6 фоизга туширилиши ҳақида таъкидлаб ўтиши мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасида яратилаётган имкониятларнинг мантиқий давомидир.

**Р. АДИЛЧАЕВ,  
М. АБИШОВ,  
К. АДИЛЧАЕВ.**

Сертификатланган



**SUVMASH**  
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



ISO 9001:2008  
Certified Management System

## НАСОСЛАР

тайёрлайди ва таъмирлайди



"Д"

"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН



А40ГЦ

"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ

"К" РУСУМЛИ ТАГ ЛИККА ЎРНАТИЛГАН

"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ

НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ

шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.



"НК"



"ЭЦВ"



"К"



"СНЭ"

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Хусайн Бойқаро кўчаси, 13.  
Тел: (998-71) 295-13-00; 295-06-35; 295-06-37; 295-19-08 Факс: (998-71) 295-51-08;  
E-mail: office@suv mash.uz; suvmash@mail.ru sales@suv mash.uz www.suv mash.uz